Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 22 декабрь 1973 йил, шанба ◆ № 299 (15.773). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV
СЪЕЗДИ
ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА
ОШИРАМИЗ

КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

СССРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ВОЛГА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ ИНШООТИНИНГ ҚУРУВЧИЛАРИГА, МОНТАЖЧИЛАРИГА, ЛОЙИҲАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИГА, АВТОМОБИЛСОЗЛАРИГА, ҲАММА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети катта меҳнат ғалабаси—мамлакатдаги энг улкан саноат иншоотларидан бири—СССРнинг 50 йиллиги номли Волга автомобиль заводи қуриб битказилганлиги ва миллионинчи автомобиль ишлаб чиқарилганлиги муносабати билан қурувчилар, монтажчилар, автомобилсозлар коллективларини, машина-ускуналар, комплектловчи буюм ва материалларни лойиҳалашда, яратишда қатнашган кишиларнинг ҳаммасини самимий табриклайдилар.

Сизнинг қаҳрамонона меҳнатингиз билан ғоят қисқа муддат ичида Ватанимизнинг улкан автомобилсозлик корхонаси юксак техникавий даражада яратилди ва у фан-техниканинг олий ютуқларидан, илғор ишлаб чиқариш тажрибасидан моҳирона фойдаланиш намунаси бўлиб қолди. Саноат комплекси қурилиши билан бир маҳалда автомобилсозлар учун замонавий шаҳарсозлик талабларига мос янги шаҳар қурилди.

Волга автомобиль заводининг ишга туширилиши — партиянинг социалистик экономикани ривожлантириш ва совет халқи моддий турмуш даражасини юксалтириш борасида тутаётган бош йўли амалга оширилишига қўшилган каттагина ҳиссадир. Завод тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили меҳнат зафарлари йилномасига ёрқин саҳифа бўлиб киради.

Сизда ўз меҳнатингизнинг натижалари билан фахрланса арзийдиган ҳамма асослар бор ва биз ҳам шу ҳис-туйғуларга қўшиламиз. Завод ишга тушган биринчи йиллардан бошлаб юксак самара кўрсатмоқда, унинг маҳсулоти эса бизнинг мамлакатимизда шунингдек чет элларда яхши ном чиқарди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Волга автомобиль заводи қурилишининг ҳамма қатнашчилари КПСС XXIV съездининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун бундан буён ҳам сабот-матонат билан кураш олиб бораверадилар, деб астойдил ишонч билдирадилар

Азиз ўртоқлар, сизларга социалистик Ватанимиз фаровонлиги йўлида меҳнатда янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва катта бахт-саодат тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган 1974 йилги Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва тармоқ комиссиялари киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда маъқуллансин.

2-модда. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат планининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари тасдиқлансин:

(1973 йилга нисбатан ўсиш, процент ҳисобида).

Ҳосил қилинган миллий даромад	6,9 процент
Саноат маҳсулоти	6,8 процент
Давлат капитал маблағлари (Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бўйсунадиган хўжалик бўйича)	9 процент
Умум фойдаланиладиган автомобиль транспортининг юк обороти	8,7 процент
Саноатдаги меҳнат унумдорлиги (республикага бўйсунадиган хўжалик бўйича)	5,6 процент
Қурилишдаги меҳнат унумдорлиги	6,5 процент
Иш ҳақи фонди (республикага бўйсунадиган хўжаликда)	5 процент
Саноат фаолиятидан тушадиган фойда (республикага бўйсунадиган хўжалик бўйича)	14,8 процент
Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти	7,3 процент

3-модда. 1973 йилдагига нисбатан 1974 йилда қуйидагиларни кўпайтириш таъминлансин:

(1973 йилга нисбатан ўсиш, процент ҳисобида)

Аҳолининг жон бошига тушадиган реал даромадлар	4,7 процент
Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматлар	12 процент
Давлат бюджетидан таъминланадиган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	5,9 процент
Куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар сони	5,5 процент
Ҳунар-техника ўқув юртларига қабул қилинадиган ўқувчилар сони	25,5 процент
Ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилинадиган ўқувчилар сони	3,8 процент
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилинадиган студентлар сони	5,1 процент
Касалхоналардаги ўринлар сони	3,1 процент

4-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига КПСС XXIV съезди Директиваларига, «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган Давлат беш йиллик плани тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ҳамда «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган Давлат беш йиллик плани тўғрисида»ги Ўзбекистон ССРнинг Қонунига мувофиқ 1974 йилда Ўзбекистон ССР аҳолисининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада ошириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

5-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет ва тармоқ комиссиялари хулосасида баён этилган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар томонидан киритилган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил 21 декабрь,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети, Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет ва тармоқ комиссиялари киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда ҳаммаси бўлиб даромадлар бўйича 3823902 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналаридан ҳамда ташкилотларидан олинадиган даромадлар — оборотдан олинадиган ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳақ, рўйхатга олинган тўловлар, фойдадан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа даромадларнинг умумий суммаси 3343143 минг сўм миқдорида белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалиги — оғир саноат, қурилиш индустрияси, енгил ва озиқ-овқат саноатлари, қишлоқ хўжалиги, транспорт, уй-жой ва коммунал хўжалик ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни маблағ билан таъминлаш харажатларининг умумий суммаси 1752209 минг сўм миқдорида белгилансин.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга — умумий таълим мактаблари, техникумлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, ҳунар-техника ўқув юртлари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, радиоэшиттиришга ҳамда маориф ва маданият соҳасидаги бошқа тадбирларга, касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар ва соғлиқни сақлаш ҳамда физкультура соҳасидаги бошқа муассасаларга, пенсия ва нафақаларга ажратиладиган маблағларнинг умумий суммаси 1958791 минг сўм миқдорида белгилансин.

5-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида давлат ҳокимияти органлари, давлат идора органлари ҳамда судларнинг харажатларини таъминлаш учун ажратиладиган маблағлар суммаси 48345 минг сўм миқдорида белгилансин.

6-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги республика бюджети маҳаллий бюджетларга бериладиган 1303100 минг сўм миқдоридаги маблағларни ҳисобга олган ҳолда, даромад ва харажатлар бўйича 3619391 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

7-модда. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг 1974 йилги Давлат бюджети, Тошкент шаҳар ва областларнинг 1974 йилги маҳаллий бюджетлари даромад ва харажатлар бўйича 1507611 минг сўм миқдорида белгилансин. Шу жумладан:

(минг сўм ҳисобида)

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	130715
Тошкент шаҳри	288007
Тошкент области	170414
Сирдарё области	73728
Фарғона области	149602
Андижон области	112890
Наманган области	92285
Самарқанд области	156883
Бухоро области	101939
Қашқадарё области	89157
Сурхондарё области	79661
Хоразм области	62330

8-модда. Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджети областлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига ажратмалар 1974 йил учун қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

а) оборот солиғи тушумларидан: Тошкент шаҳрига 25,4 процент, Тошкент областига 82,3 процент, Фарғона областига 64,2 процент, Андижон областига 97,2 процент, Наманган областига 86,2 процент, Самарқанд областига 41,2 процент, Бухоро областига 48,9 процент, Хоразм областига 70,9 процент, Қашқадарё, Сирдарё ва Сурхондарё областларига ҳамда Қорақалпоғистон АССРга 100 процент;

б) колхозлардан олинадиган даромад солиғидан, қишлоқ хўжалиги солиғидан, СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқдан, ўрмонлардан келадиган даромадлардан ва пул-буюм лотереялари тушумларидан 100 процент;

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Тошкент шаҳрига 10 процент, Фарғона областига 60 процент, Андижон областига 80 процент, Наманган областига 80 процент, Самарқанд областига 80 процент, Бухоро областига 80 процент, Хоразм областига 80 процент, Қашқадарё, Тошкент, Сирдарё ва Сурхондарё областларига ҳамда Қорақалпоғистон АССРга 100 процент;

г) «Узсельхозтехника» бирлашмасига ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш асосий фондлари ва нормалаштириладиган оборот маблағлари учун фойдадан бюджетга олинадиган тўловлардан ҳамма областларга, Тошкент шаҳрига ва Қорақалпоғистон АССРга—50 процент.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат планида кўзда тутилган тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун 1974 йилда республика бюджети маблағларидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджетига 31145 минг сўм, Қашқадарё области маҳаллий бюджетларига 3667 минг сўм, Сурхондарё областига 6340 минг сўм, Сирдарё областига 1903 минг сўм ажратилсин.

9-модда. Ўзбекистон ССР республика бюджетининг касса оборотидаги нақд пул миқдори 1974 йил учун 34300 минг сўм тасдиқлансин.

10-модда. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар ҳамда областларнинг маҳаллий бюджетлари бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдори 1974 йил учун 55.700 минг сўм миқдорида белгилансин. Шу жумладан.

(минг сўм ҳисобида)

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	4300
Тошкент шаҳри	8500
Тошкент области	6600
Сирдарё области	3000
Фарғона области	5500
Андижон области	4500
Наманган области	3600
Самарқанд области	6200
Бухоро области	4000
Қашқадарё области	3700
Сурхондарё области	3300
Хоразм области	2500

11-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва тармоқ комиссияларининг хулосаларида баён қилинган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар томонидан киритилган таклифлар ва айтилган мулоҳазаларни қараб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА

1973 йил, 21 декабрь.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси 21 декабрда Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да Олий Совет Раисининг ўринбосари депутат **З. Исроилова** раислигида республика Олий Советининг навбатдаги мажлиси очилди.

Ҳукумат ложаларида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов,** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари **И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, Й. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев,** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар **Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова,** республика Олий Совети Президиумининг ва ҳукуматининг аъзолари ўтиришибди.

Мажлисда сессия кун тартибидаги дастлабки икки масала—Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисидаги ва Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети ҳақидаги масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда депутатлардан **С. Ҳамроқулов** (272-Митон сайлов округи), **И. Холматов** (314-Москва сайлов округи), **А. И. Бродова** (96-Тўйтепа сайлов округи), **Ж. Ҳасанов** (147-Охунбобоев сайлов округи), **В. П. Есин** (392-Дзержинский сайлов округи), **Ҳ. Қурбонов** (427-Қаҳрамон сайлов округи), **А. М. Илюхин** (109-Темирйўл сайлов округи), **М. Решитов** (332-Боёвут сайлов округи), **И. Б. Усмонхўжаев** (232-Ҳаққулобод сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Танаффусдан кейин мажлисда Олий Совет Раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** раислик қилди. Музокараларда депутат **А. Е. Кочетков** (3-Комсомол сайлов округи) сўзга чиқди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. Ж. Худойбердиев** нутқ сўзлади.

Олий Совет Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисидаги Қонунни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети тўғрисидаги Қонун ҳам республика Олий Совети план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олган ҳолда бир овоздан қабул этилди.

Кун тартибидаги учинчи масала — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **Ҳ. М. Пўлатова** доклад қилди.

Депутатлар ўз муҳокамаларига тақдим этилган фармонларни бир овоздан тасдиқладилар, тегишли қонунлар ва қарорларни қабул қилдилар.

Олий Совет ўзининг доимий комиссиялари составига баъзи бир ўзгартишларни киритди.

Депутатлардан З. Сирожиддинов ва А. Ф. Гаврилов республика министрлари қилиб тайинланганликлари муносабати билан ёшлар ишлари бўйича доимий комиссия аъзолари вазифасидан озод этилдилар. Депутатлардан **И. Б. Усмонхўжаев ва П. Х. Кан** шу комиссиянинг аъзолари қилиб сайландилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раислигига тайинланган депутат **П. Қаюмов** халқ маорифи доимий комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод қилинди. Депутат **У. А. Абдураззоқов** халқ маорифи доимий комиссиясининг аъзоси этиб сайланди.

Мажлисда беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликлари тўғрисида республика меҳнаткашларининг бир қанча коллективларидан Олий Совет номига келган рапортлар ўқиб эшиттирилди.

Шу билан саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

ЯГОНА САФДА КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

ТОЖИКИСТОН ССР БАЙРОҒИДА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ

ДУШАНБА, 21 декабрь. (ТАСС). Тожикистон диёрига бузилмас дўстлик байрами, кўп миллатли Ватанимиз халқларининг қардошларча бирлиги байрами келди. Республикага юксак мукофот — Халқлар дўстлиги ордени топширилди. Тожикистон меҳнаткашлари совет давлатини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, коммунистик қурилишнинг муштарак ишига катта ҳисса қўшганликлари учун шу орден билан тақдирланган эдилар. Тожикистон ССР байроғида Халқлар дўстлиги ордени Ленин ордени билан ёнма-ён порлаб турибди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Олий Советининг опера ва балет академик театри залида чақирилган қўшма тантанали мажлисига Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, СССР Олий Совети ва Тожикистон ССР Олий Советининг депутатлари, партия, совет ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари, кўпдан-кўп меҳмонлар йиғилдилар.

Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов тантанали мажлисни очди. У Тожикистон меҳнаткашлари республиканинг коммунистик қурилиш умумхалқ ишига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берилганликлари учун КПСС Марказий Комитетидан, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматидан ғоятда миннатдордирлар, деди. Ватаннинг мукофоти кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади, интернационал бурч ҳис-туйғуларини оширади, севикли Ватан бахт-саодати учун, партиянинг улуғвор яратувчилик планлари амалга оширилиши учун янада яхшироқ меҳнат қилишга бўлган астойдил интилишни кучайтиради, деди у.

Совет Иттифоқи ва Тожикистон ССР Давлат гимнлари зал гумбазлари узра тантанавор янграйди.

(Давоми 4-бетда)

МУСОБАҚАДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

Республиканинг илғор чорвадорлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари 21 декабрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залига тўпландилар. Бу ерда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий комитетининг Қизил байроғини Ўзбекистон ССРга топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Ўзбекистон ССР 1972-1973 йилнинг қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни купайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юксак натижаларга эришганлиги учун шу мукофотга сазовор бўлган эди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н .М. Матчонов очди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский Ўзбекистон чорвадорларини, барча қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини эришилган муваффақият билан қутлади. У ҳозир бўлганларнинг давомли қарсаклари остида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг топширувига мувофиқ республикага фахрий мукофотни топширди.

Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси М. Исоқова, Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Омонов, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг директори Н. И. Гусаков, Андижон областидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. А. Тожибоев, Қашқадарё областидаги «Қорақум» давлат наслчилик заводининг бош чўпони У. Ганжиев, Фориш район партия комитетининг биринчи секретари С. Есимов қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилганликлари учун партия, ҳукуматга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан авж олдириб юборилган чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси келтирган ажойиб самаралар тўғрисида фахрланиб гапирдилар. Ватаннинг юксак мукофоти — Қизил байроқларга бутун республика, Ўзбекистоннинг Тошкент, Андижон, Кашқадарё областлари, ўнта райони сазовор бўлди. Республика чорвадорларидан катта бир группаси СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Бу юксак мукофотлар фермалар ва далаларнинг меҳнатчилари, партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари зиммасига яна ҳам зўр ғайрат билан ишлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтириш учун барча резерв ва имкониятларни қидириб топиб, ишга тушириш вазифасини юклайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида ва Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги орденини топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда республика қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш соҳасида олдимизга катта вазифалар қўйди. Чорвачиликни юксалтириш юзасидан қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқлар берди. Партия топшириғини шараф билан бажариш — республика барча меҳнатчиларининг ғоят муҳим вазифасидир. Чорва қишловини яхши ва нобудгарчиликка йўл қўймасдан ўтказиш—энг муҳим вазифалардан биридир.

Сўзга чиққан ўртоқлар республика барча меҳнатчиларининг фикр-зикри ва ҳис-туйғуларини ифодалаб, КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу Пленумда сўзлаган нутқида баён қилинган қоида ва хулосаларни қизғин маъқулладилар. Улар сўзга чиқиб 1974 йил — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик йили—зарбдор меҳнат йили, хўжалик қурилишида, шу жумладан чорвачиликни ривожлантиришда янги катта муваффақиятларга эришиш йили бўлиши лозимлиги ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига табрикнома йўлладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, Й. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, С. К. Зиёдуллаев, Й. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев ўртоқлар иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИ

ЭКОНОМИКА ВА МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЯНАДА РАВНАҚИ УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАДЛАР ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Е. АЙТМУРОТОВ нутқи

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси

Совет Қорақалпоғистонининг меҳнаткашлари бутун мамлакат билан биргаликда КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг якунларини, шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқда баён этилган қоидалар ва хулосаларни қизғин маъқулламоқдалар.

Совет халқи мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида эришган муваффақиятларнинг ҳаммаси — партиянинг КПСС XXIV съездида ишлаб чиқилган ленинча йўли изчиллик билан муттасил амалга оширилаётганлигининг натижасидир.

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. Саноат маҳсулотини реализация қилиш йиллик плани муддатидан аввал бажарилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш суръатлари деярли маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича план топшириқларидан илдамроқ бормоқда.

Партия билан ҳукумат Автоном республика экономикаси ва маданиятини жадал ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда барча районларда ерларни ирригациялаш ва мелиорациялаш иши кенг кўламда олиб борилмоқда. Элликқалъа, Қозонкетган, Жанбасқалъа массивларида қадим замонларда суғорилган ва кейинчалик қўриққа айланиб қолган ерларни ўзлаштиришга қизғин киришилди. Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам катта иш қилинмоқда.

Бу йил Амударё бўйида қурилаётган Тахиатош гидроузелининг янги навбати қурилиши тугалланди.

Шак-шубҳасиз муваффақиятлар билан бир қаторда ишимизда ҳамон катта-катта камчиликлар ва ҳал этилмаган проблемалар бор. Партия, совет ва хўжалик органлари шу камчилик ва нуқсонларни тугатиш учун тинимсиз иш олиб борадилар.

Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат плани ва бюджети лойиҳалари Ўзбекистон ва шу жумладан бизнинг Автоном республикамиз ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш манфаатларига мос келади.

Бироқ, Қорақалпоғистон экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш учун, унинг аҳолисига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун бир қанча масалаларни ҳал этиш зарур бўлади.

Бунда гап аввало Автоном республика саноатини янада тезроқ ривожлантириш тўғрисида бораётир. План органларининг ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тахминларига қараганда, йигирма йил мобайнида Автоном республиканинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси икки баравардан зиёд кўпаяди. Шу вақт ичида одамларни иш билан таъминлаш учун камида 225-235 мингта янги иш ўрни вужудга келтириш лозим бўлади. Шу сабабли ана шу проблемани ва аввало Қорақалпоғистонда йирик саноат объектларини қуришга боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга жуда жиддий эътибор бериш керак.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган куннинг шонли 50 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Совет Қорақалпоғистони меҳнаткашлари шонли юбилейни муносиб кутиб олишга интилиб, ана шу шонли сана шарафига авж олиб бораётган социалистик мусобақада янги-янги муваффақиятларга эришишга қаттиқ бел боғлаганлар. (Қарсаклар).

Депутат И. И. ГОЛОВАЧЕВ нутқи

Қашқадарё область партия комитетининг иккинчи секретари

Қашқадарё области меҳнаткашлари мамлакатимизда коммунизм қуриш умумхалқ ишига ўз ҳиссаларини қўшишга интилиб партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариш йўлида ғайрат билан ишламоқдалар.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган уч йил мобайнида кўпайди, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш уч йиллик плани муддатидан қарийб бир ой илгари бажарилди. Мамлакатда энг катта Муборак газ олтингугурти заводи, тўртта пахта тозалаш заводи, ремонт механика, темир-бетон буюмлар заводлари, дренаж ва керамика трубалари заводи, ун комбинати, пишлоқ заводи, 415 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой бинолари ва бошқа бир қанча объектлар ишга туширилди.

Сув хўжалигида қурилиш ишлари тез суръатлар билан бормоқда. Қарши магистрал канали қурилишида ишлар муваффақиятли давом этмоқда. Ульянов канали қурилди. Эски Ангор канали қурилишида ишлар ниҳоясига етмоқда.

Область давлатга пахта, сабзавот, қовун-тарвуз, мева, сут, тухум, қоракўлтери, пилла сотиш уч йиллик планини муваффақиятли адо этди.

Бу йил давлатга ғалла сотиш плани қарийб икки баравар ошириб бажарилди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини сотиш юзасидан халқ хўжалиги плани бажарилди. Чорва моллар ва паррандалар сони кўпайиб уларнинг маҳсулдорлиги ошди.

Пахта тайёрлаш плани 113 процент бажарилди. Областнинг халқ хўжалигини ривожлантиришда шу муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликлар ва нуқсонлар ҳам бор. Айрим корхоналарда ишлаб чиқариш планлари, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан топшириқлар қониқарсиз бажарилмоқда. Деҳқончилик ва чорвачиликни янада юксалтириш юзасидан ҳали анчагина иш қилиш керак.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги плани ва давлат бюджети лойиҳаларида республика барча областларини, шу жумладан Қашқадарё областини янада ривожлантириш йўллари белгиланган.

Қашқадарё областининг ишлаб чиқарувчи кучлари кейинги йилларда анчагина ўсди. Бир қанча йирик саноат корхоналари қурилди. Лекин саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси умуман олганда республика бўйича ўртача кўрсаткичлардан жуда орқада қолмоқда. Саноатда банд бўлган кишилар сони область аҳолиси умумий сонининг 1 процентдан сал кўпроғини ташкил қилади. Айрим район марказларида саноат корхоналарининг йўқлиги туфайли меҳнатга яроқли аҳолининг бир қисми жамоат ишлаб чиқаришн билан банд эмас.

Халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планида республика Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Советининг бир қанча қарорларида областда 22 та корхона қуриш кўзда тутилган эди. Аммо шулардан фақат бешта корхона қурилмоқда. Биз беш йиллик планда кўзда тутилган саноат объектлари лойиҳаларини тузишни ва бу корхоналарни қуришни тезлаштириш масаласини ҳал қилишни сўраймиз.

Қарши даштини ўзлаштириш учун катта маблағ сарфланмоқда. Ноёб насос станциялари, Қарши магистрал канали қурилмоқда. Лекин мана шуларнинг ҳаммаси янги ўзлаштириладиган ерларни Амударё суви билан тўла таъминлашни гарантиялай олмайди. Қизилоёқ гидроузели ва Таллимаржон сув омбори қурилишни тезлаштириш масаласини қараб чиқиш керак. Бусиз Қашқадарё даштларини Амударё суви билан тўла таъминлаб бўлмайди. (Қарсаклар).

Депутат Х. И. СОДИҚОВА нутқи

Бухородаги «ВЛКСМ 20 йиллиги» тикувчилик фабрикасининг мотористи

Ўзбекистонга Халқлар дўстлиги орденини топшириш муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев сўзлаган нутқида республика меҳнаткашларининг фаолиятига берган юксак баҳодан руҳланиб, Бухоро шаҳри саноат корхоналарининг меҳнатчилари уч йиллик план бажарилганлиги тўғрисида муддатидан аввал — 20 ноябрь куни рапорт бердилар ва йил охиригача 34 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Партия билан ҳукуматнинг доимий ғамхўрлиги туфайли область ва шаҳарда капитал қурилиш юксак суръатлар билан олиб борилмоқда, маданий-маиший муассасалар тармоғи кенгаймоқда.

Беш йилликнинг уч йили мобайнида Кармана гидроузели, Бухоро педагогика институти бинолари комплексининг биринчи навбати, усти ёпиқ бозор, жамоат маркази ва бошқа бир қанча маданий-маиший объектлар қурилиб, ишга туширилди.

КПСС XXIV съезди Директиваларига мувофиқ Бухоро шаҳрида енгил саноатнинг республикадаги энг катта корхоналаридан бири — ип газлама комбинати қурилмоқда. Комбинат қурилиши умумхалқ ҳашари тусини олиб кетди. Белоён Ватанимизнинг ҳамма томонидан бу объект қурилишида ишлаш учун тажрибали бинокорлар, монтажчилар, созловчилар келишди.

Биз партия Марказий Комитети билан республика ҳукуматининг ғамхўрлигини кун сайин сезиб турибмиз. кейинги йилларда улар комбинатнинг 1973 йил халқ хўжалик планида кўзда тутилган қувватларини ишга туширишни таъминловчи бир қанча қарорларни қабул қилдилар.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида республика меҳнатчилари олдида турган вазифалар ҳаммамиздан янада зўр ғайрат ва ижодкорлик билан меҳнат қилишни талаб этади. Ҳозирнинг ўзидаёқ саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва маиший хизмат корхоналарида меҳнаткашлар муқобил планлар, шу планларни муддатидан аввал бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. Бу план ва мажбуриятлар шараф билан бажарилишига шак-шубҳа йўқ.

Сессия қатнашчиларини ишонтириб айтаманки, областимиз меҳнаткашлари янада зўр завқ-шавқ билан ишлайверадилар. 1974 йилда ўз олдиларига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдилар ва шу тариқа республикамиз билан Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейини муносиб равишда кутиб оладилар. (Қарсаклар).

Депутат В. О. КОЗИМОВ нутқи

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси

Тошкент меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш ва Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли равишда бажармоқдалар.

«Ташсельмаш», электрон техника, «Ташкенткабель», трактор заводларининг, тўқимачилик комбинати ва бошқа корхоналарнинг коллективлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Капитал қурилиш кенг миқёсларда олиб борилмоқда. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида шаҳарда бир миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондлар ишга туширилди. Уй-жой ва маданий-маиший қурилишга жуда катта эътибор берилмоқда. Шаҳарнинг қиёфаси тез ўзгармоқда — метро қурилмоқда, кўчалар, майдонлар реконструкция қилинмоқда, янги-янги уй-жой районлари қад кўтармоқда. Бироқ, саноатда, капитал қурилишда ва шаҳар хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларида мавжуд бўлган резервлардан тўлиқроқ фойдаланилганида анча кўпроқ муваффақиятларга эришишимиз мумкинлигини равшан тушуниб турибмиз.

Шаҳардаги бир қанча корхоналар жорий халқ хўжалик планлаpини муваффақиятли бажараётган бўлсалар ҳам, аммо беш йиллик топшириқларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш соҳасида ҳам, шунингдек меҳнат унумдорлиги соҳасида ҳам бажара олмаяптилар. Айрим жойларда моддий ва меҳнат ресурсларидан ҳали ҳам тежаб-тергаб ва рационал фойдаланилмаётир. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнатни илмий ташкил қилишни кенг жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиниши керак.

Ана шу камчиликларни ва бошқа нуқсонларни тугатишни, мавжуд резервлардан янада самаралироқ фойдаланишни Тошкент ташкилотлари ўзларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Умуман, беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган 1974 йилда Тошкент меҳнаткашлари олдида шаҳар экономикаси ва маданиятини янада равнақ топдиришнинг янги истиқболлари очилмоқда. Бу эса биздан янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишни, барча мавжуд резервлар ва имкониятларни сафарбар этишни, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларига раҳбарлик савиясини оширишни талаб этади.

План ва бюджетда Тошкент шаҳри учун кўзда тутилган маблағлар шаҳар хўжалигининг ҳамма тармоқлари бўйича 1974 йил учун белгиланган давлат планларини бажаришни таъминлайди. Аммо шундай масалалар ҳам борки, уларни ҳал этишда биз ёрдамга муҳтожмиз.

Тошкент территориясида маданий-маиший буюмлар ва рўзғор асбоблари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи 50 тадан ортиқ саноат корхонасида махсус цехлар ва участкалар бор. Беш йиллик охиригача халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш ҳажми 2.4 баравар кўпайиши керак. Лекин йиллик планларни тасдиқлаш вақтида, одатда, унинг кўрсаткичлари кўпинча камайтириб юборилаётганлиги сабабли бу суръатлардан орқада қолинмоқда. Халқ истеъмол қиладиган кўпгина молларга аҳолининг талабини Тошкент корхоналарининг ўзи тўла-тўкис қондириши мумкин бўлган бир пайтда кўп моллар Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидан Тошкентга ташиб келтирилмоқда.

Куз-қиш фаслида табиий газ ишлатиш кескин кўпаяди. Ана шу куз-қиш фаслида шаҳарнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдордаги газни Тошкентга юбориш масаласини ҳал этишни илтимос қиламиз.

Тошкент меҳнаткашлари бутун куч ва ғайратини 1974 юбилей йилини муваффақиятли тугаллашга сафарбар этиб, КПСС XXIV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни шараф билан бажарадилар. (Қарсаклар).

Депутат Қ. С. ЗОИРОВ нутқи

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри

Беш йилликнинг учинчи йилида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Бир йилнинг ўзида Ўзбекистонда 17 та врачлик ва амбулатория-поликлиника муассасаси очилди. Поликлиникалар орқали бериладиган ёрдамни тўғри ташкил этиш, беморларга диагноз қўйиш ва уларни даволашнинг илмий методларини қўлланиш, касалликларни олдини олиш соҳасидаги ишлар туфайли аҳолининг касалга чалиниши умуман анча камайди. Тез ва шошилинч медицина ёрдами, авиация тез ёрдами ишини яхшилашга катта эътибор берилди. Қишлоқ жойлардаги медицина муассасалари ишини такомиллаштириш учун кўп иш қилинмоқда.

Тўққизинчи беш йилликнинг уч йилида 7522 врач ва салкам 25 минг ўрта малакали медицина ходими тайёрланди. Энди Ўзбекистондаги ҳар ўн минг аҳолига касалхоналарда 100,8 ўрин, 22 нафардан ортиқ врач ва салкам 70 нафар ўрта малакали медицина ходими тўғри келади. 1974 йилнинг 1 январидан бошлаб республикамизда Бутуниттифоқ клиника ва экспериментал хирургия илмий-тадқиқот институтининг филиали очилади. Бу муассаса Ўзбекистондаги ўн учинчи медицина илмий-тадқиқот институти бўлади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилаш соҳасида каттагина иш ўтказилди. Болалар поликлиникалари, аёллар консультациялари, болалар касалхоналари, туғруқхоналардаги жойлар кўпайтирилди.

Болаларнинг жисмоний жиҳатдан тўғри ўсиши ва уларнинг сиҳат-саломатлигини яхшилаш учун тўғри ва рационал овқатлантириш катта аҳамиятга эга эканлиги маълум. Бунинг учун болаларга сут таомлар тайёрлаб берадиган ошхоналар, сут тақсимлаш пунктларини, гастрономия магазинларидаги болалар таомлари бўлимларини кўпайтириш ва кенгайтириш, мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабларда болаларнинг овқатланишини яхши ташкил этиш зарур.

Совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини қўриқлаш иши доимо Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг диққат марказида турибди. Республикамиз медицина ходимларининг кўп минг кишилик армияси совет соғлиқни сақлаш системасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан белгиланган тадбирларни шараф билан бажариш учун бутун куч ва билимини сарф қилади, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишига муносиб ҳисса қўшади. (Қарсаклар).

Депутат М. ЭГАМБЕРДИЕВ нутқи

Бўка район партия комитетининг биринчи секретари

Ўзбекистон халқ хўжалиги барча тармоқлари ходимларининг беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида эришган жуда катта ютуқларини кўриб, республикамиз меҳнаткашларининг қалби қонуний ифтихор ҳислари билан тўлиб-тошмоқда. Мана шу муваффақиятларда пойтахт области, шу жумладан Бўка районы меҳнаткашларининг улуши борлиги бизни қувонтиради.

Областимиз деҳқонлари пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан яхши ҳосил етиштирдилар. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар ва халқ хўжалик планлари тўла ва ошириб бажарилди. Меҳнаткашлар пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахтакорлар меҳнатига юксак баҳо берганлигига жавобан фидокорона ишладилар.

Бизнинг областимиз ўз пахтачилиги тарихида биринчи марта 417 минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрлади. Бу эса ўтган йилгидан 15 минг тонна кўп. Гектаридан 29,6 центнердан ҳосил етиштирилди.

Бўка районы меҳнаткашлари ҳам яхши натижаларга эришдилар. 56200 тонна пахта тайёрланди. Бу эса планга қараганда 12 минг тонна ва 1972 йилдагига нисбатан 4 минг тонна кўп.

Ҳозирги вақтда районда қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрлашни анча кўпайтириш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Биз Ўзбекистоннинг юбилейи йилида 60 минг тонна пахта етиштириб, ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказмоқчимиз.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини ҳам анча кўпайтириш мўлжалланади.

Районимиз маркази Бўка кичкина бир қишлоқдан замонавий обод посёлкага айланди. Аммо саноат корхоналарининг жадал қурилаётганлиги ва аҳоли сонининг кўпайиши уй-жой ва маданий маиший муассасалар қурилишидан кўра илдам бормоқда. Район марказида алоқа уйи, маданият уйи йўқ. Хонадонларга табиий газ ўтказилмаган. Областнинг бошқа район ва шаҳарларида ҳам уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ишлари орқада қолмоқда.

Шунинг учун ҳам биз шундай объектларни қуриш ва район марказини газлаштириш, область шаҳарлари ва районларида уй-жой ва маданий-маиший бинолари қурилиши учун маблағ ажратилишига ёрдам берилишини сўраймиз. Сув хўжалиги қурилиши соҳасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Лекин Кўкорол массивида янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш ва фойдаланишга топшириш программаси тўла бажарилмаётир. Биз массивда совхозлар комплекс қурилаётганлигини назарда тутиб, «Кўкорол» ва «Ленинград» совхозлари қурилишини яқин икки уч йил мобайнида тугаллаш мақсадида, ажратилган, капитал маблағлар ҳажмини кўпайтиришини илтимос қиламиз. (Қарсаклар).

Депутат В. А. ХАЙДУРОВ нутқи

Сирдарё область ижроия комитетининг раиси

Бутун совет халқи сингари Сирдарё областининг меҳнаткашлари ҳам 1973 йилни зўр меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазиятида, КПСС XXIV съездининг халқ хўжалиги ҳамма тармоқларини ривожлантириш юзасидан белгилаб берган топшириқларини муваффақиятли бажариш учун олиб борилаётган социалистик мусобақа қизғин тус олган вазиятда тугалламоқдалар.

Беш йилликнинг уч йили мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 107 миллион сўмлик ёки 65 процент миқдорида кўпайди. Область саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми юзасидан беш йилликнинг уч йили планини муддатидан аввал бажардилар. Катта ҳажмдаги уй-жой қурилиши амалга оширилди. Маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи кўпайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш соҳасида катта ишлар қилинди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида 60 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерлар деҳқончилик оборотига киритилди, 13 та янги совхоз қурилди.

Асосий тармоқ бўлган пахтачиликни ривожлантиришдаги муваффақиятлар айниқса яққол кўриниб турибди. Беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида бир ярим миллион тоннадан кўпроқ пахта етиштирилди ва тайёрланди. Бу — шундан аввалги уч йил мобайнида тайёрланган пахтадан бир ярим баравардан зиёддир.

Шоли, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва мева етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Жамоат чорвачилиги тўёғи анча кўпайди, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут ва гўштга топшириладиган молларнинг ўртача вазни ортди.

Бу йил ишчилар, колхозчилар, мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг зўр ташкилотчилик ва сиёсий ишлари туфайли пахта сотиш юзасидан олинган оширилган социалистик мажбурият муддатидан олдин анча ошириб бажарилди. Давлатга 563 минг тонна қимматли маҳсулот сотилди.

Бутун пахтачилик тарихи давомида биринчи марта Мирзачўл ерларида гектар бошига ўрта ҳисобда 24 центнердан ортиқ ҳосил олинди. Бу йил областда етиштирилган жами ҳосилнинг деярли 80 проценти машинада терилди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани лойиҳасида Сирдарё области учун белгиланган ўсиш суръатлари ишлаб чиқарувчи кучларни, экономика ва маданиятни ривожлантиришни анчагина тезлаштириш имконини беради.

Планни узил-кесил ишлаб чиқиш вақтида биз қуйидаги мулоҳазани ҳисобга олишни сўраймиз. Маълумки, Мирзачўлнинг эски зонасидаги суғориладиган экинзорларнинг кўпчилигини яна шўр босиб кетган. Уларнинг ҳолатини яхшилаш соҳасида кўрилаётган тадбирлар ҳозирча тузук самара бергани йўқ. Шуни эътиборга олиб, ҳар 100—110 гектар мелиоратив жиҳатдан ноқулай ер ҳисобига камида битта тик қудуқ қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим.

Сирдарё областининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда ўз кучларини аямай сарфлайдилар ва Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли ярим асрлик юбилейини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини, республика Олий Совети ва ҳукуматини ишонтиришга ижозат бергайсиз. (Қарсаклар).

Депутат С. ҲАМРОҚУЛОВ нутқи

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси

Ўзбекистон ССР га Ватаннинг олий мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени топширилганлиги Самарқанд область меҳнаткашларининг ижодий ғайрат-шижоатини янада кучайтирди. Улар социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, 1973 йилги халқ хўжалик плани билан бюджетни муваффақиятли равишда амалга ошириш учун кўп иш қилдилар.

Саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш ўн бир ойлик планини 102,9 процент бажардилар.

Бу йил область қишлоқ хўжалик меҳнатчилари катта муваффақиятларга эришдилар. Пахтакорларнинг ютуғи айниқса қувончлидир. Улар тайёрлов пунктларига 486 минг тоннадан ортиқ, яъни халқ хўжалик планида белгиланганидан 42 минг тонна кўп пахта топширдилар. Механизаторларимиз катта ғалабага эришдилар. Улар «Зангори кема»ларининг бункерларидан салкам 250 минг тонна, яъни 1972 йилдагидан 90 минг тонна кўп пахта ағдардилар.

Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги муваффақиятларга партия билан ҳукуматнинг халқ бахт-саодати тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлиги туфайли, область барча меҳнаткашларининг фидокорона, қаҳрамонона меҳнати туфайли эришилди. Меҳнаткашларимиз КПСС XXIV съезди қарорларини муддатидан аввал бажаришга азми қарор берганлар.

Аммо шуни эътироф қилиш керакки, областимизда экономика ва маданиятни ривожлантиришда катта-катта камчиликлар ва нуқсонлар, фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятлар бор.

Мамлакат пахтакор республикалари партия-хўжалик активининг йиғилишида ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифаларни биз жанговар иш программаси деб қабул қилдик. Областда пахта, дон, сабзавот, гўшт, сут ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтиришга, областнинг ишлаб чиқарувчи кучларини интенсив ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Область олдида саноат, капитал қурилишни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида катта-катта вазифалар турибди.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Олий Совет сессиясига тақдим этилган 1974 йилги плани ва давлат бюджети лойиҳалари экономика ва маданиятни янада ривожлантириш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш вазифаларига мос бўлиб тушади. Биз ана шу лойиҳаларни тўла-тўкис маъқуллаган ҳолда баъзи бир масалаларни ҳисобга олишни сўраймиз.

1974 йилда Самарқандда уй-жой қурилишини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бироқ, ажратилган капитал маблағларда иссиқлик трассасини батамом битказишга ва район қозонхонасини кенгайтиришга зарур бўлган пулни бериш белгиланмаган.

Самарқанд ва Каттақўрғонда геологик шароитлар мураккаблиги сабабли биноларнинг пойдеворларини қуриш вақтида қурилиш материаллари нормадан ортиқча сарф бўлмоқда. Бу эса, металл ва цементни қўшимча равишда ажратишни талаб қилади.

Республика Олий Советини ишонтириб айтаманки, Самарқанд областининг меҳнаткашлари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат планини ва республика бюджетини бажариш ишига баҳолиқудрат ҳисса қўшадилар. (Қарсаклар).

Депутат И. ХОЛМАТОВ нутқи

Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозининг раиси

Барча совет кишилари сингари Сурхон водийсининг меҳнаткашлари ҳам тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида халқ хўжалигини юксалтиришга, айниқса улкан пахта ҳосили учун курашга муҳим ҳисса қўшдилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида ҳам анча муваффақиятлар қўлга киритилди.

Область халқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар область бюджетининг даромад ва харажатлар қисмини бажариш учун зарур база яратди. Бу эса халқ хўжалигининг барча тармоқларида амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни маблағ билан таъминлаш имкониятини беради.

Область бюджетининг даромад қисми оширилиб бажарилгани ҳолда умуман саноатнинг айрим тармоқларида оборот солиғи 11 ой мобайнида тўла бажарилмай қолди.

1973 йил бюджетининг даромад қисмини бажариш, шунингдек 1973 йилги олинган социалистик мажбуриятларни адо этиш учун областда корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация планларини, шунингдек жамғариш планларини ва бюджет олдидаги мажбуриятларини қандай бажараётганликлари доимо назорат қилинмоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни тобора кенгайтириш ва давлат бюджети даромадларини кўпайтириш имкониятлари системали равишда изланмоқда.

Сурхондарёда Шеробод, Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Шарғун сингари янги шаҳарлар қад кўтарди. Уларни обод қилиш учун қўшимча маблағлар талаб қилинади. Айниқса Шарғун ва Қумқўрғон шаҳарларида соғлиқни сақлаш, водопровод тармоқларини кенгайтириш учун, катта маблағ талаб қилинади.

Сурхондарё области меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бутун кучларини сарфлайдилар ва 1974 йилга олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар. (Қарсаклар).

Депутат А. И. БРОДОВА нутқи

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри

Совет кишиларининг фаровонлигини муттасил ошириш вазифаларини ҳал этишда маиший хизмат муҳим роль ўйнайди. Кейинги йилларда бу соҳага ниҳоятда катта талаблар қўйилмоқда.

Республика маиший хизмат корхоналарининг амалий фаолияти ана шу талаблар асосига қурилмоқда. Маиший хизмат тармоғи йил сайин ўз кучига-куч қўшмоқда, маиший хизматни ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришилмоқда ва бу муваффақиятлар тобора мустаҳкамланмоқда.

Министрлик маиший хизмат тармоғининг моддий-техника базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ўз корхоналарини йириклаштириш ва ихтисослаштириш, уларни замонавий технология асбоб-ускуналари билан таъминлаш, маиший хизматнинг янги формалари ва турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ва бажарилаётган заказларнинг сифатини ошириш учун катта иш олиб бормоқда.

Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражасини оширишга маҳаллий партия ва совет органлари жуда катта ёрдам бердилар. Районларда, колхоз ва совхозларда маиший хизматнинг аҳволи учун меҳнаткашлар депутатлари Советлари, ижроия комитетларининг масъулияти оширилди.

Муайян муваффақиятлар билан бир қаторда ишимизда камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Бир қанча масалалар ҳал этилмаганлиги сабабли аҳолининг ҳақли таъналарини эшитмоқдамиз.

Маиший хизмат тармоғи йил сайин кенгайиб бораётганлигига қарамай, айниқса қишлоқ жойлардаги маиший хизмат кўрсатиш ҳамон паст даражада турибди. Ҳар бир колхоз ва совхозда маиший хизмат уйи ёки комплекс қабул пунктларини очиш ишида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Кўпгина қишлоқларда маиший хизмат ноқулай биноларда кўрсатилмоқдаки, бундай шароитда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Маиший хизмат кўрсатиш ишини тубдан яхшилаш учун бу соҳага маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари тузукроқ эътибор беришлари керак бўлади. Чунки бу — уларнинг жонажон ишидир, бу иш аҳолининг турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш соҳасидаги кўп қиррали фаолият билан чамбарчас боғлангандир. Шунга эришиш керакки, колхоз ва совхозларда маиший хизмат уйлари қуришга киришилсин, уларда ишлаш учун зарур кадрлар ажратилсин. Шу билан бирга ижро этилган заказларни аҳолига элтиб бериш учун транспорт ажратиш масаласи ҳам ҳал этилиши керак.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг сессия муҳокамасига тақдим этилган 1974 йилги давлат плани ва Ўзбекистон ССР давлат бюджети лойиҳаларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб, сессияни ишонтирамизки, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг коллективлари беш йилликнинг тўртинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрадилар ва Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейи шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборадилар. (Қарсаклар).

Депутат Ж. ҲАСАНОВ нутқи

Андижон область ижроия комитетининг раиси

Республикамизнинг эришган ютуқларига Андижон области меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш 1973 йил планини белгиланган муддатидан 13 кун илгари бажардилар. Йил охиригача пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Областда капитал қурилишнинг ҳажми анча ошди. Шу йилнинг 11 ойи мобайнида давлат йўли билан 118 миллион сўмлик капитал қурилиш ишлари бажарилди. Шу вақт ичида жуда кўп ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қурилди ҳамда ишга тушди.

Беш йилликнинг зарбдор йили айниқса қишлоқ хўжалиги ходимлари учун катта меҳнат ғалабалари йили бўлди.

Ватанимиз андижонликлардан 588 минг тонна пахта, яъни социалистик мажбуриятларимизда белгиланганига қараганда 38 минг тонна кўп ҳосил олди. Ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» етиштирилди.

Ўнлаб ва юзлаб механизаторлар чинакам қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Бизнинг муваффақиятларимиз шак-шубҳасиздир. Лекин ишимизда ҳали камчиликлар ҳам кўп. Бу камчиликлар энг муҳим проблемаларни ҳал этишга, олға қараб муваффақиятли ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилмоқда.

Саноатда ва қишлоқ хўжалигида ҳали ҳам фойдаланилмаётган ички ресурслар ва имкониятлар бор. Баъзи заводлар ва фабрикаларда техника иқтисодий кўрсаткичлар ҳали ҳам паст. Улар давлат планларини ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан топшириқларини бажармаётирлар. Капитал қурилиши соҳасидаги қолоқлик бизни айниқса ташвишлантирмоқда.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида шу вазифаларни бажариш учун мустаҳкам пойдевор яратиш йўлида бизнинг олдимизда янада масъулиятли вазифалар турибди. Биз ҳозирги вақтда қиш шароитида саноат корхоналари, қурилишлар ва транспорт ташкилотларининг нормал ишлашини, колхозлар ва совхозларда қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ва юксак сифатли бажаришни, чорва моллари қишловини намунали ўтказишни таъминлашга интилмоқдамиз.

Мен Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилга мўлжалланган давлат плани ва давлат бюджети лойиҳаларини план бюджет комиссияси мулоҳазалари ва тузатишларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш тўғрисида нотиқларнинг таклифларига батамом қўшиламан. (Қарсаклар).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИ

ЭКОНОМИКА ВА МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЯНАДА РАВНАҚИ УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАДЛАР ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат В. П. ЕСИН нутқи

Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари

Партия ва ҳукумат тинмай меҳрибонлик қилаётганлиги ва ёрдам бераётганлиги, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик коллективлари фидокорона ишлаётганликлари туфайли Фарғона областининг халқ хўжалиги янги, янада юксак поғонага кўтарилди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотни реализация қилиш ҳажми анча ошди, капитал қурилишлар ҳажми ҳам анча кенгайди.

Область пахтакорлари ўтган уч йил мобайнида давлатга пландан ташқари 127,5 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида ҳам анчагина натижаларга эришилди.

Шу билан бирга биз ўз ишимизнинг натижаларига танқидий кўз билан баҳо бермоқдамиз. Энг жиддий камчиликларимиздан бири шуки, ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фондларни ишга солиш плани тўла бажарилмай қолди. Батамом қуриб битказилмаган объектларнинг салмоғи ҳали ҳам катта. Айрим жойларда қурилишнинг сметада кўрсатилганига қараганда, қимматга тушишига йўл қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ҳам баъзи резервлардан фойдаланилаётгани йўқ.

Область партия ва совет органлари, меҳнаткашлар коллективлари ҳозирги вақтда ишдаги камчиликларни келтириб чиқарган сабабларни чуқур анализ қилмоқдалар, уларни тугатиш чораларини кўрмоқдалар. Республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани лойиҳаси халқ хўжалиги барча тармоқларини янада ривожлантиришни, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишни кўзда тутади. Давлат бюджетида белгиланган маблағлар эса шу тадбирларнинг амалга оширилишини тўла таъминлайди. Шу билан бирга биз ишнинг муваффақиятини кўп жиҳатдан ҳал қиладиган баъзи таклифларни киритишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Аввало гап планлар тўғрисида боради. Шу йилнинг ўзидагина республика министрликлари областимиз корхоналарида маҳсулот реализация қилиш планини ошириб, бир неча марта ўзгартирдилар.

Бу йил областда қурилиш ташкилотлари ишида катта қийинчиликлар вужудга келди ва бу қийинчиликлар ҳам республика қурилиш министрлиги айби билан планлаштиришда юз бераётган камчиликларнинг оқибатидир. Бир қанча қурилиш трестларининг планларида шу йилнинг биринчи ярмида қурилиш-монтаж ишлари ҳажми берилаётган металл ва ёғоч ҳажмига мувофиқ даражада эмас эди. Натижада бинокорлар йил бошидан қурилиш ишларини авж олдира олмадилар ва объектларни ўз муддатида ишга тушира олмадилар. Заказчи министрликлар ,материаллар етказиб берувчи органлар ишга тушириладиган объектларни электр асбоб-ускуналари, контроль ўлчов приборлари ва автоматика билан қониқарсиз таъминламоқдалар. Бундай аҳвол монтажчиларга объектларни ишга тушириш учун тайёрлашга ва ўз вақтида ишга туширишга имкон бермайди.

1974 йилнинг планида сув хўжалиги қурилишини янада ривожлантиришнинг кенг программаси назарда тутилган. Тупроқ қазиш ишлари ҳажми анча кўпайди, бунинг учун техника воситалари эса етарли эмас. 1974 йилда фондларни тақсимлаганда бизнинг техникага бўлган эҳтиёжларимиз ҳисобга олинишини сўраймиз. (Қарсақлар).

Депутат Ҳ. ҚУРБОНОВ нутқи

Урганч районидаги Ленин номли колхоз бригадири

Бутун совет халқи сингари Хоразм области меҳнаткашлари ҳам Коммунистик партия билан Совет давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, Ватанимизнинг қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқдалар. КПСС XXIV съезди белгилаб берган улуғвор программани амалга ошириш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган областимиз меҳнаткашлари меҳнатда янги-янги зафарларга эришмоқдалар. Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида хўжалик ва маданий қурилишда ажойиб муваффақиятларга эришилди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани областимиз олдида катта истиқболлар очиб беради. Планда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш, капитал қурилиш ҳажмини кўпайтириш, халқ фаровонлигини ошириш кўзда тутилган, шу тариқа план ҳаммамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Шуни айтишни зарур деб ҳисоблайманки, биз товар обороти ўн ойлик планини бу йил атиги 98,4 процент, шу жумладан, матлубот кооперацияси йўли билан 97,4 процент бажардик. План бажарилмаётганлигининг сабаби шуки, савдо базалари пойафзал, устки кийим ва тўқимачилик маҳсулотини савдо корхоналарига ўз вақтида етказиб бермаётир. Савдо тармоғини ривожлантириш ҳамон чакана товар обороти планларини кўпайтиришдан орқада қолмоқда. Магазинларда мебель, бинокорлик материаллари, шиша ва чинни идишлар, шойи ва ип газлама, тайёр кийим-кечак ва трикотаж ҳали ҳам кам.

Планлаштирувчи ташкилотлар ва саноат корхоналари бу молларни истеъмолчиларга ўз вақтида элтиб беришни таъминлаш учун зарур чораларни кўрмаётирлар.

Областимизда халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Бироқ, бу ишда ҳам айрим камчиликларимиз бор. Жумладан, Қўшкўпир район марказидаги касалхона учун янги бино қуриш керак.

Сессия қатнашчиларини ишонтириб айтаманки, Хоразм областининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, 1974 йилги план топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёздирадилар ва шу тариқа Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб туҳфалар билан кутиб оладилар. (Қарсаклар).

Депутат А. М. ИЛЮХИН нутқи

Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министри

Ўзбекистон коммунал хўжалик ходимлари барча совет кишилари билан биргаликда тўққизинчи беш йилликнинг халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажариш учун бошланган социалистик мусобақани кенг кўламда авж олдириб юбордилар. Аҳолига кўрсатилаётган хизмат ҳажми 1970 йилга нисбатан 27 процент кўпайди. Икки йилу ўн бир ой мобайнида капитал маблағ сарфлаш плани тўла-тўкис бажарилди. Коммунал-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан шу йилнинг 11 ойи учун белгиланган халқ хўжалик плани ортиғи билан адо этилди.

Аммо, катта иш қилинган бўлишига қарамай, биз республика аҳолисидан анчагина қарздор бўлиб турибмиз. Аҳоли яшайдиган жойларда водопровод ва канализация тармоғини ривожлантириш соҳасида ҳали кўп иш қилиниши керак. Иморатларни марказлаштирилган тартибда иситиш соҳасидаги ишлар ҳам ҳали кўп. Кейинги йилларда уй-жой қуриш суръатлари билан инженерлик коммуникацияларини қуриш суръатлари ўртасидаги фарқ кўпайиб бормоқда.

Агар капитал қурилишга ажратилаётган маблағлар республиканинг ҳамма областларида тўла-тўкис ўзлаштирилганда эди, биз республика аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳасида анча иш қилган бўлур эдик. Аммо, коммунал хўжалик объектларини қуришга ажратилаётган маблағларни баъзи областлардаги қурилиш ташкилотлари яхши ўзлаштирмаётир. Бу ишни маҳаллий Советлар ҳам етарли равишда контроль қилмаётирлар.

Министрликларнинг пудрат ташкилотлари коммунал хўжалик объектларига тузукроқ эътибор беришлари ва шу объектларни уй-жой биноларидан кўра илдамроқ қуришлари керак. Бироқ заказчилар бўлмиш маҳаллий Советлар, бир қанча министрликларнинг ташкилотлари ўзлари учун қилинган иш бадалига тўланадиган маблағни ўз вақтида ҳамиша ҳисоб-китоб қилаётирлар, деб бўлмайди.

Коммунал хўжалик объектларини ишлатиш масаласи ҳам бизни ташвишга солмоқда. Ҳар бир объектга зўр эътибор билан қаралиши ва у лозим бўлган тартибда сақланиши керак. Бу хўжаликка хизмат қилиш учун машина-механизмлар билан яхши қуролланган авария хизмати бўлиши лозим. Аммо, планлаштирувчи органлар шу мақсадлар учун ажратиладиган механизмлар иш билан тўла-тўкис таъминланмайди, деб ҳисоблаб, зарур миқдордаги механизмларни ажратиб бермаётирлар.

Катта-катта ирригация иншоотлари жадал қурилаётганлиги ва суғорилаётган деҳқончилик майдонлари кенгайиб бораётганлиги муносабати билан бир қанча шаҳарларда ва район марказларида сизот сувлар сатҳи йил сайин кўтарилиб бормоқда. Ўзбекистон коммунал хўжалик министрлиги область ва саноат марказларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида бир қанча тадбирларни кўрди. Ҳозир республиканинг 8 та шаҳрида ва битта район марказида сизот сувлар оқизиб юбориладиган зовурлар қурилмоқда. Аммо, бу ишларни кенгайтириш зарур.

Коммунал хўжалик ходимлари меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари билан биргаликда коммунал корхоналар ишини яхшилаш учун ҳамма чораларни кўрадилар ва шу тариқа Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигини муносиб равишда кутиб оладилар. (Қарсаклар).

Депутат М. РЕШИТОВ нутқи

3-«Боёвут» совхозининг бригадири

Бизнинг Боёвут район меҳнаткашлари ҳам 1973 йилда муваффақиятли ишладилар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳамма турларини етиштириш ва тайёрлаш йиллик планини ва социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар. Район хўжаликлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида Ватанга 53 минг тонна ёки планда кўрсатилганидан 10,5 минг тонна кўп пахта бердилар.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтмоқчиманки, кейинги уч йил ичида районимизда ҳар бир гектардан олинаётган «оқ олтин» ҳосилдорлиги ўртача ҳисобда ҳар йили 3-4 центнер кўпаяверди.

Чорвачилик етакчи тармоқлардан бирига айланди. Чорвачилик миқдори жиҳатидан эмас, сифати жиҳатидан ҳам яхши ривожланмоқда. Чорвачилик маҳсулоти етиштириш кенгайтирилмоқда. Чорва туёғи кўпаймоқда.

3-«Боёвут» совхозимиздаги дала ва фермаларнинг меҳнатчилари ҳам ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Совхозимизда ҳар бир гектар ердан олинаётган пахта ҳосилдорлиги 33 центнерга етказилди, пахтанинг ялпи ҳосили эса 13 минг тоннадан ошиб кетди.

Шу сессияга келиш учун йўлга чиқиш олдидан бригадамиз аъзолари билан суҳбатлашдим. Бу йилнинг якунлари ва келажакдаги марралар тўғрисида гаплашиб олдик. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг келгуси йилда ўтказиладиган 50 йиллик олтин юбилейини ҳар бир гектар ердан 45 центнерга етказиб, «оқ олтин» топшириш билан нишонлашни ўзимизга мақсад қилиб олдик. Мўлжаллаб қўйилган мана шу юксак маррага муваффақиятли эришиш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Бизнинг Боёвут райони зонасидаги ерларнинг кўпчилиги шўр босадиган ерлардан ҳисобланади. Шу сабабли ерларнинг мелиорация ҳолатини ва унумдорлигини яхшилаш пахта ҳосилдорлигини оширишнинг бирдан бир мумкин бўлган йўлидир. Кейинги йилларда бизнинг районимизда шу ишларни бажаришга 6 миллион сўм пул сарфланди. Тик ва горизонтал зовурлар қазиш ҳамда каналларни бетонлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинди. Бу ишларни давом эттириш ва тағин ҳам кўпроқ кенгайтириш зарур.

Мирзачўлнинг илгари ўзлаштирилган зонасидаги бошқа бир қанча хўжаликларда бўлгани каби бизнинг совхозимизда ҳам капитал қурилиш масаласи биринчи даражали проблемадир. Лекин бизга маблағ, материал ва техника етишмаётганлиги, шунингдек қурилиш ташкилотларининг қуввати камлиги сабабли қурилиш ишлари паст даражада олиб борилмоқда. Шу масалаларни ҳал қилишда бизга ёрдам беришларини сўраймиз.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги плани ва давлат бюджети тасдиқлансин, деб ўртоқларнинг қилган таклифига қўшиламан. (Қарсаклар).

Депутат И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ нутқи

Наманган область ижроия комитетининг раиси

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми қарорлари, шу Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев сўзлаган нутқи шунингдек СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг материаллари совет кишиларининг ижодий куч ва ғайратларини жўш урдириб юборди. Бутун совет халқи каби Наманган областининг меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси қабул қилган қарорларни тўла-тўкис ва батамом маъқуллайдилар.

Беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида саноат ходимлари маҳсулотни реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган планни муддатидан аввал тугалладилар. Ўн бир ойлик пландан ташқари 17 миллион сўмлик турли буюмлар реализация қилинди.

Капитал қурилиш тобора кенг миқёсда олиб борилмоқда. Агар 1970 йилда 68 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилган бўлса, бу йил камида 82 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилади.

Область колхоз ва совхозларининг меҳнатчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларида ва аввало пахтачиликда юксак натижаларга эришиб, Ватанни қувонтирдилар.

Ватан Намангандан салкам 424 минг тонна, яъни планда белгиланганидан 44 минг тонна кўп пахта олди. Гектар бошига олинган ҳосил ўртача ҳисобда 31,8 центнерга етди. Жами ҳосилнинг 60 процентдан кўпроғи машинада терилди.

Ана шуларнинг ҳаммаси бюджетнинг даромад қисмини муваффақиятли бажаришга кўмаклашди, бу эса, 1973 йилги халқ хўжалик планида ва бюджетда кўзда тутилган социал-маданий тадбирларни пул билан тўла-тўкис таъминлаш имконини берди. Дастлабки тахминларга қараганда область бюджети даромадлар бўйича 101 процент ва ҳаражатлар бўйича 100 процент бажарилди. Область бюджетига пландан ташқари кўпгина маблағ топширилади.

Қишлоқ хўжалигидаги кўпгина резервлардан фойдаланилмаётир. Бу йил 6 та хўжалик ва 172 та пахтачилик бригадаси пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини уддалай олмади. Бир қатор колхозлар, шунингдек кўпгина бригадалар ҳосилдорлик жиҳатидан областдаги ўртача кўрсаткичдан орқада қолди.

Область партия ва совет органлари мавжуд камчиликларни кўриб турибдилар ва уларни тузатиш учун амалий чораларни кўрмоқдалар.

Областда халқ хўжалигининг айрим тармоқларини ривожлантиришга халақит бераётган баъзи бир ҳал этилмаган масалаларга тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблайман.

Беш йилликнинг охирига бориб, Наманган областида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 1970 йилдагига нисбатан 1,8 баравар кўпайтириш белгиланди. Бундай катта ўсишга ишлаб турган баъзи корхоналарни реконструкция қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, шунингдек бир қанча янги корхоналарни қуриш туфайли эришилади, деб мўлжалланмоқда. Аммо шу корхоналарни қуришга ҳали киришилгани йўқ.

Бундан ташқари шаҳарлар ва посёлкаларни ободонлаштиришга, касалхоналар, мактаблар, болалар муассасаларини ремонт қилишга, шунингдек улар учун асбоб-анжом ва ускуналар сотиб олишга ажратилган маблағларни кўпайтириш ҳам жуда зарур. (Қарсаклар).

Депутат А. Е. КОЧЕТКОВ нутқи

«Узбексельмаш» заводининг слесари

«Узбексельмаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 1974 йил учун топшириқ контроль рақамлардан 5,4 процент ортадиган муқобил план қабул қилдилар. Пландан ташқари 600 та чигит экиш сеялкаси, ерга гербицид соладиган 5100 машина, 200 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаш белгилаб қўйилди.

1974 йил 1 кварталида биз пахтакорларга «НЮ-116» маркали икки қаторли янги сеялкаларни, «СХЧ-5,4» маркали олти қаторли сеялкаларни ва улар учун гербицид соладиган «ПВГ—5,4» маркали мосламаларни етказиб берамиз.

Завод коллективи ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу оширилган мажбуриятларни бажариш ва республикамиз билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган куннинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун зарур чораларни кўрмоқда.

Биз беш йилликнинг тақдири ҳар бир иш жойида ҳал этилишини жуда яхши биламиз. Биз цехларда иш вақтининг ҳар бир минутидан самарали фойдаланиш учун курашамиз. Аммо баъзан беҳуда ўтган минутлар бир ёқда турсин, соатлар тўғрисида гапиришга тўғри келади. Бунда мен корхонани хом ашё, материаллар билан, бутлаш буюмлари билан таъминлашдаги камчиликлар сабабли ҳамон давом этиб келаётган бекор туришларни назарда тутаман. Натижада Киров районининг айрим корхоналарида, шу жумладан бизнинг заводимизда ҳам ойнинг иккинчи ярмида «штурм» қилишга, одамларни ишдан ташқари вақтларда ва ҳатто дам олиш кунлари ишлатишга мажбур бўлмоқдамиз.

Планлаштиришдаги бундай хатолар давлатга жуда қимматга тушмоқда, планнинг бажарилмай қолишига олиб келмоқда, коллективларга катта маънавий зиён етказмоқда. Республика план органлари бундай нуқсонларнинг олдини олишга кўпроқ эътибор беришлари зарур.

Аммо биз бугунги кун вазифалари билангина яшаётганимиз йўқ —районни ривожлантиришнинг яқин истиқболлари ҳам бизни жуда қизиқтиради. Заводнинг микрорайони қурилиши суст олиб борилмоқда. маданий-маиший шароитларни яхшилаш тадбирлари секин амалга оширилмоқда. Заводга келиб туташадиган Жаҳон Обидова кўчаси деярли бошдан-оёқ ободонлаштирилган эмас, йўлкалар йўқ, кўча яхши ёритилмаган, канализация қурилмаган шу кўчани ободонлаштириш масалалари —шунингдек завод ишчилари яшайдиган шаҳарча биноларини, болалар муассасаларини, ётоқхоналарни, мактабларни шаҳар иситиш ва канализация йўлларига улаш шу дамгача ҳал этилгани йўқ. Бу микрорайонда бош планга мувофиқ турар-жой бинолари қуришни кўзда тутиш зарур, шундай қилинса, кадрларнинг заводда ўрнашиб қолишига ва уларнинг қўнимсизлигини камайтиришга эришиш мумкин.

Тошкент шаҳар Киров райони ишчи ва хизматчилари номидан Ўзбекистон ССР Олий Советини ишонтириб айтаманки, биз республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўзимизнинг бутун билимимиз ва тажрибамизни ишга соламиз. (Қарсаклар).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат Ҳ. ПЎЛАТОВА доклади

Депутат ўртоқлар!

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессиясидан кейин ўтган давр мобайнида Олий Совет Президиуми бир қанча Фармонлар қабул қилди. Бу Фармонлар республика Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланиши лозим.

Маълумки, СССР Олий Совети 1972 йил 20 сентябрда «СССРда меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг статуси тўғрисида» Қонун қабул қилган эди. Бу янги Қонун депутатнинг Советдаги, сайлов округидаги ваколатларини, шунингдек депутатлик фаолиятининг моддий, ташкилий ва ҳуқуқий гарантияларини белгилаб берди.

Республика қонунларини СССРнинг ана шу қонунига мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 29 ноябрда Фармонлар қабул қилиб, Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка, район, шунингдек шаҳар, шаҳардаги район Советлари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунларига тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритди.

Бу ўзгартиш ва қўшимчалар депутатларнинг ҳуқуқларини анча кенгайтиради, халқнинг ишончли вакиллари бўлмиш депутатлар ўз ҳуқуқларини амалга оширишларида давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг уларга ёрдам кўрсатиш вазифаларини янада аниқроқ қилиб белгилаб беради.

Мазкур фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳалари сизларга тарқатилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 29 ноябрда «Ўзбекистон ССРнинг Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Сил ва таносил касалликларига, сурункали алкоголизм ва наркомания касаллигига йўлиққан беморларни мажбурий тарзда касалхоналарга ётқизиш ва даволаш тартиби ССР Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ССР қонунлари томонидан белгиланиши муносабати билан Фармон соғлиқни сақлаш тўғрисидаги республика Қонунининг тегишли моддаларига зарур ўзгартишлар киритди.

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми 1973 йил 10 августда «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари Асослари 102-моддасининг иккинчи қисмини ўзгартиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонга биноан ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари ҳомиладорлик ва туғиш отпускасининг бутун давомида тўла иш ҳақи миқдорида тўланадиган бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1973 йил 29 ноябрь Фармони билан Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексининг ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаш масалаларини тартибга солувчи 284-моддасига тегишли ўзгартишлар киритди.

1973 йил 30 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонга кўра мазкур Кодекснинг 180^1-моддаси икки қисмдан иборат қилиб янги таҳрирда баён этилди. Бу модданинг биринчи қисми давлат ёки жамоат транспортидан ғараз ниятда, лекин айбни оғирлаштирмайдиган ҳолатларда бегона юклар ва пассажирларни ташишда фойдаланганлик учун масъулият белгилайди, иккинчи қисми эса шундай ҳаракатлар бир неча бор ёхуд олдиндан тил бириктириб бир группа шахслар томонидан содир қилинганлиги учун жавобгарликка тортишни кўзда тутади. Мазкур жиноятлар учун белгиланадиган жазо муддати ҳам тегишинча бир-биридан фарқ қилади.

Граждан ҳаво кемаларининг учиш хавфсизлигини ошириш мақсадида ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми 1973 йил 19 сентябрда «Портловчи ёки тез ўт оладиган моддаларни, бошқа хавфли юклар ва ашёларни ҳаво транспортида ғайри қонуний равишда олиб юрганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Шунинг учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 29 ноябрда Фармон қабул қилиб, республика Жиноят кодексини портловчи ёки тез ўт оладиган моддаларни ҳаво кемасида олиб юрган пассажирларни жиноий жавобгарликка тортишни кўзда тутувчи 211^1-модда билан тўлдирди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 30 августда «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўқ отадиган қуролни сақлаш ва ундан фойдаланиш тартибини бузишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритиш ҳақида» янги Фармон қабул қилди.

Жиноятчиликка қарши кураш ҳолатини анализ қилиш айрим гражданлар томонидан ов қуролларини сақлаш қоидалари бузиб келинаётганлиги жиноятлар содир этилишига олиб келувчи шарт-шароитлардан бири эканлигини кўрсатади.

Шу муносабат билан ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида, мазкур Фармонга биноан, жамоат тартибини мунтазам равишда бузувчи, спиртли ичимликлар ёки наркотик моддалар истеъмол қилувчи, шунингдек руҳий касалликларга учраган шахсларга тегишли ов қуроллари ва бошқа хил ўқ отиш қуроллари ҳамда уларнинг ўқ-дорилари мазкур шахслардан маъмурий тартибда тортиб олиниши белгилаб қўйилди. Ички ишлар органларига эса бундай шахслардан ўқ отиш қуроли ва ўқ-дориларни тортиб олиб, улар тўғрисидаги материаллар меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка Советлари ҳамда уларнинг ижроия комитетлари томонидан ёхуд меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилгунга қадар ўзларида сақлаб туриш ҳуқуқи берилди. Гражданлардан тортиб олинган, жанговар, кичик калибрли қуроллар ва ўқ-дорилар, шу жумладан бурама стволли ов қуроллари ички ишлар органларига, текис стволли ов қуроллари эса сотиш учун комиссион магазинларга топширилади. Уларни сотишдан тушган пул маблағлари мазкур қурол-яроғлар тортиб олинган шахсга берилади.

Бу Фармонга жамоат тартибини сақлашни кучайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни бузишга қарши курашни такомиллаштиришга қаратилган бошқа ўзгаришлар ҳам киритилди.

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг «СССР Мудофаа министрлиги, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг медицина хизмати идораларига санитария-гигиена қоидаларини ва эпидемияга қарши санитария қоидаларини бузганлик учун жарима солиш ҳуқуқини бериш тўғрисида»ги 1973 йил 29 июнь Фармонига биноан СССР Мудофаа министрлиги, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг санитария назоратини амалга оширувчи медицина хизмати идораларига СССР Мудофаа министрлигининг ҳарбий шаҳарчалари ва ўқув марказлари территориясида жойлашган объектларда, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетига қарашли объектларда санитария-гигиена қоидаларини ва эпидемияга қарши санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий комиссияларга мурожаат қилмасдан, жарима солиш ҳуқуқи берилди. Бу Фармон билан бундай жарима солиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси ҳам белгилаб берилди.

Ана шунга асосланиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1973 йил 30 августдаги Фармони билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда солинадиган жарималарни татбиқ этишни янада чеклаш тўғрисида»ги Фармонининг 15-моддасига тегишли ўзгартишлар киритди.

Ана шу Фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳалари сизларда бор.

Депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси билан олтинчи сессияси ўртасидаги давр мобайнида Олий Совет Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимига биноан республика ҳукуматининг баъзи бир аъзоларини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш тўғрисида фармонлар қабул қилди.

1973 йил 23 августдаги Фармон билан ўртоқ Тоҳир Яҳёевич **Шарипов** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Моддий-техника таъминоти бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланди.

1973 йил 1 сентябрда ўртоқ Зокир **Сирожиддиновни** Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министри қилиб тайинлаш тўғрисида Фармон қабул қилинди.

1973 йил 19 сентябрда ўртоқ Александр Фадеевич **Гавриловни** Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министри қилиб тайинлаш, ўртоқ Павел Иванович **Соколовни** эса пенсияга чиққанлиги муносабати билан бу вазифадан озод қилиш тўғрисида Фармон қабул қилинди.

1973 йил 26 сентябрдаги Фармон билан ўртоқ Пўлат **Қаюмов** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси қилиб тайинланди. Ўша куни бошқа бир Фармон билан ўртоқ Ҳайриддин Зокирович **Калонов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ана шу комитет раиси вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мазкур Фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарор лойиҳалари ҳамда Т. Я. Шарипов, З. Сирожиддинов, А. Ф. Гаврилов ва П. Қаюмов ўртоқларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳаммангизга тарқатилган.

Шу ўтган давр ичида республикамиз Олий Суди составида ҳам баъзи ўзгаришлар бўлди. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1973 йил 30 августдаги Фармонлари билан ўртоқ Ҳалима Исмоиловна **Исҳоқова** республика Олий Судининг аъзоси вазифасини бажариб туришига рухсат этилди, ўртоқ Сайфулла **Файзуллаев** эса бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси вазифасидан озод этилди. Шунга кўра ўртоқ Ҳ. И. Исҳоқовани Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси қилиб сайлаш ва ўртоқ С. Файзуллаевни эса бу вазифадан озод қилиш тўғрисида таклиф киритилади.

Депутат ўртоқлар!

Юқорида баён қилинган Фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қонунлари ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорлари лойиҳалари сизларнинг ҳаммангизда бор. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сизлардан тақдим этилган ана шу лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлашни сўрайди. (Қарсаклар).

ЯГОНА САФДА КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

(Боши 1-бетда).

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ Сиёсий бюросидан иборат составдаги фахрий президиумни баланд руҳ билан сайлайдилар.

Марш садолари ва қизғин қарсаклар остида залга Тожикистон ССР байроғи ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик байроғи олиб кирилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР қишлоқ хўжалиги министри Д. С. Полянскийга сўз берилади.

Д. С. Полянский Ватаннинг ажойиб мукофоти берилганлиги муносабати билан тантанали мажлис қатнашчиларини ва республиканинг барча меҳнаткашларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Марказий Комитетнинг Бош секретари шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежнев номидан, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан қизғин ва самимий табриклади.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида, деди Д. С. Полянский, қадимги тожик диёрида катта-катта революцион ўзгаришлар юз берди. Совет тузуми шароитларида, СССР халқларининг қардошлик оиласида тожик халқи кўп асрлик тарқоқликдан сўнг ўзининг давлат тузумига эга бўлди, миллий уйғониш ва ҳар томонлама ривожланишнинг катта йўлига чиқиб олди. Тожикистонда аслида саноат бўлмаганди. Эндиликда бу ердаги 330 тадан ошиқ саноат корхонаси ғоят хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалигини ўзгартириш, суғориш системаларини қуриш борасида жуда катта ишлар ўтказилди. Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда бўлгани сингари Тожикистонда ҳам саноат ва қишлоқ хўжалиги тез ривожланиши билан бирга чинакам маданий революция амалга оширилди.

Мана шу улуғ ўзгаришларнинг ҳаммаси республика ишчилари ва деҳқонлари, барча меҳнаткашларининг астойдил меҳнат қилишлари, улуғ рус халқи ва Совет Иттифоқидаги бошқа республикалар халқларининг беғараз қардошларча ёрдами самараси, Ленин партияси ва Совет ҳокимиятининг жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг натижасидир.

Кўп миллатли Совет давлатимиз, деб таъкидлади нотиқ, ҳозир куч-қудрати барқ урган даврда турибди. Совет халқи партия белгилаб берган коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш устида илҳомланиб меҳнат қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида ва СССР Олий Советининг сессиясида 1973 йилнинг дастлабки иш якунлари ва умуман тўққизинчи беш йилликнинг уч йилида бажарилган ишларнинг якунлари чиқарилди, мамлакатнинг 1974 йилги давлат плани ва бюджети кўриб чиқилди, тасдиқланди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Марказий Комитет Пленумида сўзлаган моҳиятан ғоятда муҳим программ нутқида совет экономикасининг ривожланиши чуқур таҳлил қилиб берилди, коммунистик қурилишнинг ҳозирги ва келгуси вазифалари аниқ белгилаб чиқилди. Партия билан халқ Марказий Комитет декабрь Пленумининг қарорларини, белгиланган планларни тўла ва ошириб бажариш учун курашда бундан кейин қилинадиган ишларнинг жанговар программаси сифатида якдиллик билан маъқуллаб қабул қилди.

Тожикистон меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, барча меҳнаткашлари партиянинг беш йиллик учинчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантирайлик, деган чақириғига қизғин қўшилдилар. Саноат маҳсулотларини реализация қилиш юзасидан 1973 йил плани муддатидан илгари бажарилди, 60 миллион сўмликдан зиёд пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу республика ишчилар синфининг катта муваффақиятидир.

Тожикистон шу йил 800 минг тоннадан зиёд пахта берди, умуман беш йилликнинг уч йили мобайнида икки миллион 330 минг тоннадан ошиқ пахта топширди. Беш йиллик планнинг пахта соҳасидаги топшириқлари ошириб бажарилмоқда. Булар — пахтакорларнинг ва «оқ олтин» етиштиришга ўз меҳнатини сарфлаган ҳамма кишиларнинг ажойиб ютуғи, катта меҳнат ғалабаси.

Тожикистон меҳнаткашларининг халқ хўжалигини ривожлантиришда эришган катта муваффақиятлари ҳаммани қувонтиради, янги-янги шонли ишларга илҳомлантиради. Шу билан бирга, деди Д. С. Полянский, биз ҳатто тантанали мажлисда ҳам камчиликларимиз ва қусурларимиз тўғрисида индамай ўтолмаймиз. Республикада маҳсулот етиштириш ва топшириш планларини бажармаётган, меҳнат унумдорлигини ошириш резервларини тузук сафарбар этолмаётган, ишлаб чиқариш қувватларидан ва иш вақтидан етарлича самарали фойдаланмаётган саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар ҳам бор. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўзининг сифат кўрсаткичлари жиҳатидан истеъмолчиларнинг замонавий талаб ва эҳтиёжларига мос келмайдиган ҳоллар ҳам юз бериб туради. Республикада нормал қуриб битказиш муддатлари аллақачон ўтиб кетган чала қурилишлар ҳам бор. Савдо-сотиқни, аҳолига маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатишни ташкил этишда ҳам камчиликлар бор. Эндиги вазифа мана шу камчиликларга тезроқ барҳам беришдан иборатдир.

Д. С. Полянский қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг баъзи проблемаларига муфассал тўхталиб ўтди. У қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг катта йўли-ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашдан, уни индустриал заминга ўтказишдан иборатдир, деб таъкидлади. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларни уларга керакли ҳамма машина-ускуналар, минерал ўғит ва бошқа воситалар билан етарлича таъминлаш, деҳқончилик ва чорвачиликдаги барча ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш имкониятини таъминлаш биринчи навбатда турган вазифадир. Бундан буён ҳам ерларни мелиорациялаш кўламларини кенгайтириб бориш, суғориладиган майдонларда, шунингдек мелиорация қилишга ажратилаётган маблағлардан мумкин қадар самарали фойдаланишига эришилмоғи лозим. Қишлоқ қурилиш ташкилотлари, тайёрлаш ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва хом ашёни қайта ишловчи корхоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш сира кечиктириб бўлмайдиган ишлардан ҳисобланади. Бинобарин, бу ерда гап бутун агросаноат комплексини тез ривожлантириш тўғрисида яъни қишлоқ хўжалигини ва у билан узвий боғланган саноат тармоқларини индустриал заминда ривожлантириш тўғрисида бораётир.

Қишлоқ хўжалигининг энергия билан қуролланиши кўпайиб бораётганлиги, далаларда ва фермаларда замонавий янги ва мураккаб техника ишлатилаётганлиги, деб таъкидлади Д. С. Полянский, бизнинг зиммамизга қишлоқда инженер-техника хизматини мустаҳкамлашга, механизатор кадрлар тайёрлаш ва уларни мустаҳкамлаш масалаларига ғоят жиддий эътибор бериш вазифасини юклайди. Механизатор кадрлар сафларини кўпайтириш ва шундай кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш тўғрисида, улар учун яхши меҳнат ва маиший шароитлар яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Д. С. Полянский фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва маҳсулот сифатини ошириш зарурлиги тўғрисида гапириб, фанни ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш керак, илмий ютуқларни амалга ошириш йўлида учрайдиган ташкилий ва бошқача характердаги тўсиқларни қатъият билан йўқотиш керак, деди. Биз миқдор жиҳатидан ўсиш билан бирга замонавий талабларга мос келувчи маҳсулот юксак сифат кўрсаткичларини пухта таъминлай оладиган иқтисодий омилларни ҳаракатга келтирмоғимиз лозим. Хом ашё ва материалларни янада тежамли сарфлаш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ўстиришга ёрдам берувчи иқтисодий ва маданий омилларни кучайтириш масалалари устида ҳам қиладиган ишларимиз кўп. Буларнинг ҳаммаси раҳбарлик услуби ва методлари янада такомиллаштирилишини, бутун планлаштириш ва хўжалик юритиш системаси яхшиланишини, давлат интизоми ва меҳнат интизоми мустаҳкамланишини тақозо этади.

Сўнгра Д. С. Полянский халқаро аҳволнинг баъзи масалаларига ва партиянинг ташқи сиёсати соҳасидаги фаолиятига тўхталди. Бизнинг ташқи сиёсий ҳаракатларимиздаги энг муҳим нарса халқаро вазиятни тубдан соғломлаштиришга, урушни халқларнинг ҳаётидан таг-томири билан олиб ташлашга, ижтимоий тузумлари турлича бўлган халқлар ва давлатлар ҳамкорлик доираларини кенгайтиришга, ўзаро манфаатли иқтисодий ва бошқа алоқаларни кенгайтиришга қаратилгандир. Шундай актив ва собит қадам ташқи сиёсат халқаро вазиятда муҳим ижобий ўзгаришлар бўлишини таъминлади. Бу сиёсатни халқимиз, қардош социалистик мамлакатлар, бутун прогрессив инсоният якдиллик билан қўлаб-қувватламоқда.

Ленин партияси теварагига жипслашган совет кишилари, деди Д. С. Полянский, келажакка дадил қарамоқдалар, коммунистик қурилиш вазифаларини дадил ҳал этмоқдалар ва ҳар бир республика шу умумхалқ ишида қатнашаётганлигидан ҳаққоний равишда фахрланмоқда.

Улуғ Ленин халқлар дўстлигини кўз қорачиғидай сақлаш ва доимо мустаҳкамлаб боришни васият қилган эди. Республика мукофотланган Халқлар дўстлиги ордени партия билан халқ Лениннинг шу васиятини муқаддас билиб бажараётганлигининг ёрқин далилидир.

Д. С. Полянский СССР Олий Совети Президиумининг Тожикистон ССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди. У тантанали мажлис қатнашчиларининг қарсаклари остида орденни республика байроғига тақди ва Ватаннинг юксак мукофоти билан Тожикистон меҳнаткашларини яна бир бор самимий табриклади.

Д. С. Полянский нутқи узоқ давом этган қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов жавоб нутқи сўзлади.

СССРнинг 50 йиллигини нишонлаш шарафига барча қардош республикаларни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш, деди, у ҳар бир республиканинг социалистик қурилиш ҳамда халқлар ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш умумий ишига қўшган ҳиссаси юксак даражада баҳоланишидан ташқари, ленинча доно миллий сиёсат ҳақиқий тантанасининг, унинг ҳаётийлиги ва башоратининг, эркин ва тенг ҳуқуқли совет халқлари мустаҳкам қардошлиги ва дўстлигининг яққол далилидир.

Совет Тожикистони рус халқи ва Совет Иттифоқидаги бошқа қардош халқларнинг қалин дўстлигида, Коммунистик партиянинг доимий мадади ва ёрдамларида тарихан ғоятда қисқа муддат ичида мисли кўрилмаган ижтимоий сиёсий ўзгаришларни амалга оширди.

Нотиқ таъкидлаб айтдики, республика меҳнаткашлари барча совет кишилари билан бирга партиянинг сиёсатини қизғин ва якдиллик билан маъқуллайдилар, партия XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошириш борасида ўтказилаётган жуда катта ишлар учун КПСС ленинчи Марказий Комитетидан, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневдан самимий миннатдордирлар ва уларга бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, коммунизм идеаллари тантанаси учун курашда бутун қалбларидан янги-янги муваффақиятлар тилайдилар.

Тожикисточ меҳнаткашлари, деди Ж. Расулов, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми билан СССР Олий Совети VII сессиясининг қарорларини ғоятда баланд сиёсий руҳ билан кутиб олдилар. Биз беш йилликнинг ҳал қилувчи йили масъулиятли вазифаларини бажариш учун КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган программ нутқида айтилган фикрлар ва хулосаларга амал қилиб, меҳнаткашларнинг ҳамма куч-ғайратларини резерв ва имкониятлардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишга сафарбар этмоғимиз керак. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида шундай резервларни сабот-матонат билан излаш ва уларни ишга тушириш лозим.

Ўртоқ Ж. Расулов республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари партиямизнинг XXIV съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш улкан программасини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳамма ишларни қиладилар, деб Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети ва Министрлар Совети номидан, тантанали мажлис қатнашчилари, Тожикистоннинг барча меҳнаткашлари номидан КПСС ленинчи Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюроси ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирди.

Норак ГЭСи қурилишидаги пармаловчи ва портлатувчилар бригадасининг бошлиғи В. Якименко, Орджоникидзеобод районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг раиси Н. Шарипов, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти А. Мақсумов, Тожикистон Политехника институтининг студенти Ш. Бобоева Коммунистик партия ва Совет давлатига чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур сўзларини изҳор этдилар. Улар республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари Ватаннинг юксак мукофотига жавобан социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарадилар, беш йиллик тўртинчи йили планлари тўла ва ошириб бажарилиши учун янада матонат билан киришадилар, дедилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Д. С. ПОЛЯНСКИЙНИНГ ТОЖИКИСТОНДА БЎЛИШИ

ДУШАНБА, 21 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Қишлоқ хўжалиги министри Д. С. Полянский кеча Тожикистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди.

Д. С. Полянский шунингдек Норак ГЭСи қурилишида бўлди, деҳқончилик илмий-тадқиқот институтини, КПСС XXII съезди номли колхоз сут фермасини ва боғдорчилик-узумчилик тажриба совхозини бориб кўрди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. Холов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Набиев, Д. С. Полянский билан бирга бўлдилар.

САМИМИЙ ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо 20 декабрда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Б. Н. Пономарев ва Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, СССР Министрлар Советн Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари жамоат ташкилотларининг намояндалари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида бир қанча мамлакатларнинг Совет Иттифоқидаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари бор эди.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

Бугун—энергетиклар куни

ДАДИЛ ОДИМЛАР

А. ҲАМИДОВ,

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министри.

Республикамиз энергетиклари ўзларининг анъанавий байрамларига муносиб тўёналар билан келдилар. Улар КПСС XXIV съезди Директиваларида белгиланган халқ хўжалигини электр энергия билан таъминлаш бўйича муҳим вазифаларни амалга ошира бориб, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа байроғини ҳар қачонгидан баланд кўтармоқдалар. Меҳнаткашларимиз хонадонларини, саноат корхоналарини, қишлоқ хўжалигини ва бошқа тегишли барча пунктларни ҳар қачонгидан кўп арзон электр энергия билан таъминламоқдалар. Электр энергия ҳосил қилиш бўйича ойлик ва квартал топшириқлари доимо ошиғи билан адо этиляпти.

Бундан 53 йил муқаддам доҳиймиз В. И. Ленин Советларнинг Бутунроссия VIII съездидаги нутқида: **«Коммунизм—Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштириш демакдир»**, деган эди. Ана шу доҳиёна кўрсатмадан буён мамлакатимизда, шу жумладан Ўзбекистонда электрлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Биргина Чирчиқ ва Чирчиқ-Бўзсув сув трактлари бўйлаб 17 та гидростанция қурилиб ишга туширилди, уларнинг қуввати 1 миллион киловаттга тенгдир.

Қирғизистон, Ангрендаги мавжуд кўмир запаслари ҳисобга олиниб Фарғона ва Ангренда қатор иссиқлик электр станциялари қурилди. Ҳозирги кунда ёқилғи билан ишлайдиган электр станцияларимизнинг қуввати 800 минг киловаттни ташкил этади. Ўзбекистонда битмас-туганмас табиий газ запасларининг топилиши ва ишга туширилиши Ўрта Осиё ҳамда Жанубий Қозоғистон энергетикаси тараққиётида муҳим омил бўлди. «Зангори олов» қудратли иссиқлик конденсацион электр станцияларини юргизишда асосий ёнилғи бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шу мўл-кўл табиий газ запасларига таяниб республикамизда бир миллион 920 минг киловатт қувватли Тошкент ГРЭСи, 840 минг киловатт қувватли Навоий ГРЭСи, 350 минг киловатт қувватли Тахиатош ГРЭСи қурилиб, ишга туширилди.

Республикамиз энергетикасининг нақадар ривожланганлигини қуйидаги таққослашдан ҳам яққол кўриш мумкин. 1913 йилда барча электр станциялар зўрға 3 минг киловатт қувватга эга бўлиб, бутун йил давомида 3 миллион 300 минг киловатт-соат электр энергия ҳосил қиларди. Аҳоли жон бошига эса 1 киловатт соатдан кам электр энергия тўғри келарди. 1973 йилга келиб 25 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди ва аҳоли жон бошига 2 минг киловатт-соатга яқин электр энергия тўғри келмоқда. Бу кўзда тутилганидан анча зиёддир.

Хўш, министрлигимизга қарашли коллективлар муттасил ғалабаларни қўлга киритаётганликларининг боиси нимада? Аввало, барча электр энергия ишлаб чиқарувчи нурхоналарда, электр узатиш пунктларида ва қурилиш ташкилотларида иш яхши йўлга қўйилган. Кўпгина юмушларимиз автомат ва механизмлар зиммасига юкланган. Бундан ташқари «Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг илғор РЭСи» «Илғор монтёрлик пункти», «Илғор мастер» каби номларга муяссар бўлиш учун энергетиклар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа авж олдирилди. Мусобақада ғолиб чиққан коллективларга «Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг илғор РЭСи» деган фахрли ном берилди. Сурхон электр тармоқларига қарашли Сариосиё РЭСи ва Тошкент электр тармоқларига қарашли Ангрен РЭСи ана шундай номга мушарраф бўлди.

Фарғона электр тармоқларига қарашли Ғаниобод монтерлик пунктига «Илғор монтерлик пункти» деган ном берилди. Шунингдек, Сариосиё РЭСи мастери А. Ераҳмедов, Ангрен РЭСи бошлиғи В. Астасева, Ғаниобод монтерлик пунктининг катта электромонтёри Т. Иномов, Тошкент ГЭСлари каскадининг катта мастери Ш. Йўлдошев, Навоий ГРЭСи марказлаштирилган ремонт цехи катта мастери Э. Ражабов, Беруний РЭСи катта мастери К. Олломов ва «Узэлектрострой» трестига қарашли 11-механизациялашган колонна мастери М. Муродов ўртоқлар «Илғор мастер» шиори остида ўтказилган конкурснинг ғолиблари деб топилдилар.

Республика энергетикаси тарихида 1968 йилда катта янгилик юз берди. Ўзбекистон ССР энергетика тармоқлари ягона бирлашган энергетика системасига уланди. Бу система республикамиздаги барча область, район ва шаҳарларни, шунингдек, Қорақалпоғистон АССРни ўз ичига олади. Фақат Сурхондарё области бундан мустаснодир. Чунки бу область Тожикистон ССРнинг Душанба энергетика системасига уланган. Ҳозир республикамиз электр узатиш линияларининг узунлиги 120 минг километрдан ошиб кетди. Ўзбекистонда электр энергияни тарқатиш тармоқлари қурилиши айниқса кенг қанот ёзмоқда. 1970 йилда қишлоқ хўжалигимизни тўла электрлаштириш ишлари муваффақиятли якунланди.

Тўққизинчи беш йиллик энергетикамиз тараққиётида асосий ўринни эгаллайди. 1970—1975 йиллар ичида умумий қуввати 4 миллион 400 минг киловатт бўлган Сирдарё ГРЭСининг биринчи навбати тўла ишга туширилади. Бу катта нур манбаининг биринчи навбати қуввати 1 миллион 200 минг киловаттга тенгдир. Шунингдек, ҳар бирининг қуввати 150 минг киловатт бўлган тўрт агрегатли Чорвоқ ГЭСи тўла қувват билан ишга туширилди. Тахиатош ГРЭСи, Фарғона ТЭЦининг қувватлари бирмунча оширилади. Ҳозирги кунда Сирдарё ГРЭСининг биринчи агрегати халқ хўжалигимизга энг арзон электр энергия бермоқда. Яқин кунлар ичида ГРЭСнинг иккинчи агрегати ҳам ишга туширилади.

Тўққизинчи беш йилликнинг охирига бориб 165 минг киловатт қувватли Хўжакент ГЭСи фойдаланишга топширилади. 1975 йилга бориб электр энергия ишлаб чиқариш 32-33 миллиард киловатт-соатга етади. Яқин йиллар ичида Сирдарё ГРЭСини лойиҳадаги қувват даражасида ишга солиш тадбирлари амалга оширилади. Бундан ташқари 1,2 миллион киловатт қувватга эга бўлган Қуйи-Чотқол ГЭСи, 1 миллион 200 минг киловатт қувватли Қуйи-Амударё ГРЭСи қурилишлари бошлаб юборилади. Бундай катта ҳажмдаги ишларнинг бажарилишида партия ва ҳукуматимиз ҳамиша биз энергетикларга зўр ғамхўрликлар кўрсатиб келмоқдалар.

Ҳозир саноатимизнинг юздан ортиқ тармоғи мавжуд. Республикамизда оғир индустрия айниқса тез суръатлар билан ривожланиб боряпти. Бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлган газ индустриясининг ташкил топганлиги мамлакатимизда катта воқеа бўлди. Бундан ташқари химия саноати, рангли металлургия, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқа қатор тармоқлар катта одимлар билан тараққиёт сари бормоқда. Қишлоқ хўжалигимиз беқиёс юксалди. Бу йил «оқ олтин»дан мисли кўрилмаган хирмон уюлди. Бутун мамлакатимизда тайёрланган жами пахтанинг 70 процентини республикамиз пахтакорлари етказиб бердилар.

Ҳозирги кунда бирор соҳада, бирор тармоқда электр энергиясиз ривожланишни, тараққиётни тасаввур этиш қийин. Энергетикларимиз буни яхши тушунишади. Шунга яраша ишлашга ҳаракат қилишади. Улар ўз зиммаларидаги улуғвор вазифаларни доимо шараф билан уддалаб келдилар ва бундан кейин ҳам уддалайверадилар.

А. А. ГРОМИКО Г. КИССИНЖЕР БИЛАН УЧРАШДИ

ЖЕНЕВА, 21 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Яқин Шарқда сулҳ масаласига бағишланган конференцияда қатнашиш учун бу ерга келган АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер билан учрашди.

Амалий ҳамкорлик вазиятида ўтган суҳбат давомида бугун очиладиган конференциянинг ишига доир масалалар, шунингдек ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг муҳим проблемалари муҳокама қилинди.

Совет томонидан суҳбатда СССР элчилари В. М. Виноградов билан М. Д. Ситенко, Америка томонидан АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Ж. Сиско, элчилардан У. Стессел ва Э. Банкер қатнашдилар.

СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

ЖЕНЕВА, 21 декабрь. (ТАСС). Бугун Женевадаги Миллатлар саройида Яқин Шарққа оид сулҳ конференцияси очилди.

Конференция Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш проблемаларини муҳокама қилмоқ учун чақирилди. Конференцияда СССР ҳукуматининг вакили—ташқи ишлар министри А. А. Громико, АҚШ ҳукуматининг вакили — давлат секретари Г. Киссинжер, Миср ҳукуматининг вакили — ташқи ишлар министри И. Фаҳмий, Иордания ҳукуматининг вакили-қиролининг ҳалқаро масалалар бўйича махсус маслаҳатчиси Ар-Рифоий ва Исроил ҳукуматининг вакили — ташқи ишлар министри А. Эбан, шунингдек БМТ Бош секретари К. Вальдхайм иштирок этмоқдалар.

ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРВОЗНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 21 декабрь. (ТАСС). «Союз-13» космик кемаси парвозининг биринчи ярми ниҳоясига етай деб қолди. Кема ичида «Орион-2» телескоплар системасини текшириб кўриш тугалланди. Экипажнинг маълумотларига ва телеметрик ахборотни анализ қилиш натижаларига кўра, ана шу аппаратлар нормал ишлаётганлиги аниқланди. Космонавтлар режалаштирилган астрономик тадқиқотларни ўтказишга киришдилар.

Командир Пётр Климук ер атрофини 32, 33 ва 37-марта айланиб чиққан чоқда кемани мўлжалга тўғрилаб қўйди, борт инженер Валентин Лебедев эса, визир қурилмалардан фойдаланиб, телескопларни осмоннинг белгиланган участкаларига қаратди. Сўнгра турли экспозициялар билан юлдузларни спектрографиялаш иши бажарилди. Турли юлдуз туркумларида осмоннинг айрим участкалари суратга олинди.

«Союз-13» кемаси экипажининг тўртинчи иш куни 21 декабрь Москва вақти билан соат 7 дан 30 минут ўтганда бошланди. Космонавтлар медицина экспериментлари программаси бўйича вазнсизлик ҳолатида бош мия қон айланишини ўргандилар. Бу тадқиқотлар осойишта ҳолатда ва белгиланган жисмоний нагрузкалардан кейин ўтказилди.

Космонавтлар кун давомида ўтказилган алоқа сеанслари вақтида тадқиқотларнинг белгиланган программасини бажариш ишининг қандай бораётганлиги тўғрисида гапириб бердилар.

«Союз-13» космик кемасининг парвози давом этмоқда.

ЭНЕРГЕТИКЛАР КУНИ ШАРАФИГА

21 декабрь куни Ўзбекистон пойтахтида энергетиклар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда республика энергетика муассасаларининг ва Ўрта Осиё бирлашган энергетика системасининг ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари, Ўзбекистонни электрлаштириш ветеранлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрининг биринчи ўринбосари А. В. Биков шонли сана тўғрисида доклад қилди. Беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили планини муддатидан аввал бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақада ўрнак кўрсатган энг яхши энергетикларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 Қўғирчоқ фильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Қўғирчоқлар магазинида. 11.40 — Бугун — энергетиклар куни. 11.55 — Концерт. 12.40 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Рус рассомлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Мультфильмлар. 14.00 — Кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқарайлик. 14.30 — Ота-оналар, сизлар учун. 15.00 — Концерт. 15.30 — Адабий учрашувлар. Пабло Неруда. 16.15 — Концерт. 16.45 — «Здоровье». 17.15 — ТОШКЕНТ. 17.20 — Телефильм. 17.30 — «Бойчечак». 18.00 — Ахборот. 18.15 — Бугун — энергетиклар куни. 18.25 — Ўн минут музика. 18.35 — «Коммунист» программаси. 20.05 — Ахборот. 20.25 — **Экран хандаси.** 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Ҳужжатли фильм. 22.50 — **Булутлар кафтида** (бадиий фильмнинг 1-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.15 — МОСКВА. 18.15 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 19.15 — Цирк саҳнасида. 20.00 — **Турли-туман одамлар** (телеспектакль). 20.10 — Шу куннинг куйлари. 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Концерт. 23.30 — Сузиш бўйича мусобақалар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ТОШКЕНТ. **Баскетбол: «УНИВЕРСИТЕТ»** (Тошкент) — **«СПАРТАК»** (Николаев). 19.25 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/XII да **Тановар**, 23/XII да **Евгений Онегин** (кундузи), **Кармен** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/XII да **Олтин девор**, 23/XII да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/XII да **Ҳижрон**, 23/XII да **Ужарлар**, 24/XII да **Хотинимнинг эри.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ЕШ ГВАРДИЯ»** коллективининг гастроллари.

КИНО

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат алангаси (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ринг — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 15.00, 19.00), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 18.45), «ДРУЖБА» (10.20, 12.00, 13.40, 16.00, 20.30, 21.40), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Аломат қиз — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Мен — Шаповалов — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли, Г. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Қаллоб Цеплис — (11.45, 15.15, 19.00, 20.45), **Табассум излаб** (10.00, 13.30, 17.00) — «МОСКВА».

Рам ва Шам (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундузи ва кечқурун).

Дайди — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кинематография Давлат комитети, Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениеси, Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекфильм» киностудияси ва Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудияси коллективлари студиянинг кекса ходими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Кинематографчилар союзининг аъзоси, кинорежиссёр, КПСС аъзоси

Собир ИСКАНДАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон радиоси коллективи чолғу оркестрининг солисти, хонандаси

Зиёдулла ҲАМДАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг коллективи нашриётнинг кекса ходими Ҳ. К. Орифжоновга отаси

Қосим ОРИФЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари Терминология бўлимининг мудири, филология фанлари кандидати, доцент Олим Усмонга онаси

Сотқиной ТУРҒУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Р. 02941. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 299.